

Бутун дунёнинг бошига тушган бу мураккаб синовдан биз, Худо хоҳласа, янада кучли бўлиб, бир-биримизга меҳримиз янада зиёда бўлиб, албатта ёруғ юз билан ўтиб оламиз. Фақат тартиб-интизомга қатъий риоя қилиб, ўринсиз ваҳимага тушмасак, тушкунликка берилмасак, марра бизники бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТОМОРҚАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан коронавирус тарқалишини чеклаш, унинг аҳоли ҳаёти ва мамлакат иқтисодийётига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Хумладан, Республика махсус комиссияси тузилиб, эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш, карантин режимиини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар йўлга қўйилди.

Тиббиёт муассасаларини шай ҳолга келтириш ва қўшимча қувватлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Зангиота туманида 10 минг ўринга мўлжалланган махсус шифохона жадал суръатларда қуриляпти. Юқори Чирчиқ туманида эса 10 минг кишилик махсус карантин зонаси қурилиб, ўз ишини бошлади. Бу ерда яна қўшимча 10 минг ўринга мўлжалланган карантин зонаси қурилиши бошланиб, 15 майгача топширилади.

Йиғилишда таъкидланганидек, пандемия шароитида сўнгги бир ой ичида хорижий давлатлардан 20 та чартер рейс орқали 6 минг, темир йўл ва чегара постлари орқали 10 минг нафар юрдошимиз олиб келинди. Уларнинг барчаси 160 та манзилга жойлаштирилиб, карантинга олинди.

Таъжрибали шифокор-профессорлардан иборат махсус штаб тузилиб, ҳар бир беморни даволашда 24 соатлик онлайн маслаҳат бериш йўлга қўйилди. Хитой ва Жанубий Корейдан вирусологлар таклиф қилинди. Россия, Германия, Япония, Туркия каби давлатлар мутахассислари билан ҳам доимий телемедицина алоқалари ўрнатилган.

— Энг муҳими, халқимиз юзага келган вазиятни тўри баҳолаб, ўз хизмат вазифаларини масофадан туриб бажармоқда, шифокорлар тавсияси ва карантин тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиб, ўзларининг маданияти, онги ва интизими билан барчага ўрнак бўлмоқда. Ҳукучи ва талабаларимиз онлайн дарс ва машғулотлар орқали таълим олишда давом этмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан узлуксиз таъминлаш тизими самарали йўлга қўйилган. Шунингдек, соҳаватли ва олижаноб юрдошларимиз томонидан кўрсатилаётган беғараз хайрия ёрдамлари манзилли равишда

аҳолининг тегишли қатламларига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Президентимизнинг қайд этишича, қисқа муддатда фуқароларимиз, давлат ва нодавлат ташкилотлар, жамият ва ҳар бир фуқарога қарши елкама-елка курашишга тайёр эканининг ёрқин исботи.

— Мана шундай оғир синов дамларида кўп миллатли халқимиз саросима ва ваҳимага тушмасдан, аксинча, четдан келган бу балонинг тезроқ ўтиб кетишига, ҳадемай яхши кунлар келишига ишониб, ўзининг мустаҳкам иродаси, меҳр-оқибати ва ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоён этмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Худудларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз баҳорнинг ҳар бир кунини ғанимат билиб, яхши ният ва эртанги кунга ишонч билан қишлоқ ҳўжалиги ишларини бошлаб юбордилар.

Стратегия аҳамиятга эга бўлган саноат қорхоналарида, муҳим қурилиш майдонларида иш қундалик режа асосида, карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ташкил қилинмоқда.

— Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ҳаёт барқарор суръатда давом этмоқда. Энг асосийси, кўраётган тезкор чораларимиз минг-минглаб юрдошларимиз, айниқса, шифокорларнинг фидойи хизмати, ўз бурчига садоқати туфайли ўзининг ижобий натижасини бермоқда, — деди Президентимиз.

Лекин мисли қўрилмаган даражада тарғибот ишларига қарамай, уйида даволанган ва оғир ҳолатда ётқизилган 40 яшар бемор кеча оламдан ўтди.

Марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирар экан, Ўзбекистонда ҳаёт барқарор суръатда давом этмоқда. Энг асосийси, кўраётган тезкор чораларимиз минг-минглаб юрдошларимиз, айниқса, шифокорларнинг фидойи хизмати, ўз бурчига садоқати туфайли ўзининг ижобий натижасини бермоқда, — деди Президентимиз.

Лекин мисли қўрилмаган даражада тарғибот ишларига қарамай, уйида даволанган ва оғир ҳолатда ётқизилган 40 яшар бемор кеча оламдан ўтди.

зилиш ҳолатлари кузатилган. Жумладан, 34 минг ниқоб тақмаслик, 11 минг автотранспортда карантинга риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланиб, жарималар қўлланган. Ҳаттоки, 24 та ҳолатда юзлаб одамларни тўплаб, зиёфат ва маросимлар ўтказилгани аниқланган.

— Бутун дунёнинг бошига тушган бу мураккаб синовдан биз, Худо хоҳласа, янада кучли бўлиб, бир-биримизга меҳримиз янада зиёда бўлиб, албатта ёруғ юз билан ўтиб оламиз. Фақат тартиб-интизомга қатъий риоя қилиб, ўринсиз ваҳимага тушмасак, тушкунликка берилмасак, марра бизники бўлади.

Бу вақтинчалик қийинчилик ва муаммолар, албатта, ўтиб кетади. Пок ниятли, дину ҳаётли, сабр-бардошли, олижаноб халқимиз билан ҳали кўп яхши кунларни кўрамай, кўп тўй-томоша ва тантаналарни биргаликда нишонлаймиз, олдимизга қўйган макссадларимизга албатта етамиз, — деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Коронавирус пандемияси дунё мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги сиёсат ва чоратadbирлар етарли эмаслигини яққол кўрсатди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Бунинг учун барча фермер ва деҳқонлар, кластерлар карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ўз даласида, аҳоли эса томорқасида баҳорги экиш ишларини давом эттириши керак. Акс ҳолда, еки борда нарх-наво барқарорлигини сақлаш қийин бўлиши ҳаммага аён.

Шу боис охириги йилларда аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди, айрим қонунларга ўзгартишлар киритилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинларида томорқа билан шуғулланадиган алоҳида ўринбосар лавозими жорий этилди.

Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил қилинди. Аҳолига уруғлик ва кўчат етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш бўйи-

ча 244 та “Томорқа хизмати” қорхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Томорқада янги лойиҳаларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 350 миллиард сўм ажратилиб, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурида жамғарма ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, аҳолига қумаклашадиган, моддий ресурслар етказиб берадиган ва молиялаштирадиган янги тизим яратилди.

Видеоселектор йиғилишида ушбу тизимдан самарали фойдаланиб, томорқаларда маҳсулдорлиқни ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди.

Томорқадан юқори ҳосил ва даромад олаётган омилкор инсонлар таърибасини кенг жорий қилиш кераклиги айtilди. Мисол учун, Асак, Олтинқул, Наманган, Уйчи, Ангор, Жарқўрғон, Китоб, Тайлоқ, Самарқанд, Янгийўл, Зангиота, Олтиарик, Кува каби туманлардаги аксарият томорқаларда 2-3 марта ҳосил олиниб, битта оила 8 — 10 сотихли экин майдонидан ўртача 50 — 60 миллион сўм, баъзилар эса 100 миллион сўм даромад қилипти.

Бироқ ҳамма жойда ҳам бундай эмас. Самарқанд, Қашқадарь, Хоразм, Бухоро, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида томорқаларга экин экиш ишлари ақунланмагани алоҳида таъкидланди.

Мутасаддиларга бундай хонадонлар билан бирма-бир ишлаб, томорқа майдонларига бозорбоп экинлар экилишини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, барча томорқаларда 2-3 марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Хонадонларда ихчам иссиқхоналар қуриш ҳам муҳим. Бугунги кунда томорқаларда жами 4 минг гектар енгил конструкцияли иссиқхоналар мавжуд бўлиб, уларда йилга уч марта ҳосил олишни йўлга қўйиш мумкин.

Лекин қўллаб туманларда бу масалага етарлича эътибор берилмаётгани қайд этилди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ҳар бир сектор ҳудудида камида 100 тадан хонадонда 1-1,5 сотихли иссиқхоналар ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Томорқа ободлиги, албатта, сувга боғлиқ. Ўтган йили жойларда 233 та қудуқ қазилиб, 4,5 мингдан ортиқ хонадонларнинг сув таъминоти яхшилланган эди. Ҳозирги кунда эса Жондор, Шофиркон, Бахмал,

Фориш, Фузор, Чироқчи, Нурота, Қўшрабoт, Ургут, Ховос, Бекобод, Ёзёвон, Қўшқўир каби туманларнинг аксарият қишлоқларида сув таъминоти оғир бўлиб қолмоқда.

Шу боис Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ҳоқимлар билан биргаликда сув таъминоти яхши бўлмаган маҳаллаларда артезиан қудуқлар қазиб, ҳосилдорлиқни ошириш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ ҳўжалигида вақтинча фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштириб, кам таъминланган оилаларни банд қилиш бўйича тизим яхши самара бермоқда. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бу борада 31 та кооператив ташкил этилиб, 1 минг 600 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Бундай кооперативлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғармадан 50 миллиард сўм ажратилган.

Йиғилишда бу таърибани бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилиб, камбағиллиқни ва ишсизлиқни камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Кооперативга аъзо бўлган ишсиз фуқароларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги жамғармасидан маҳсулот етиштириш харажатлари учун 24 миллиард сўм субсидия ажратилади. Кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оилаларга мевали кўчатлар, сабзавот уруғлари ва бошқа моддий ресурслар етказиб берилади.

Томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Ҳозирги синовли даврда томорқа ерларига экин экмаслик, қаровсиз ташлаб қўйиш юртва ва ерга нисбатан хиёнат деб баҳолалиниш керак. Шунинг учун томорқадан самарали фойдаланмаётган хонадон эгалари расман оғохлантирилиши, ундан кейин ҳам экин экмаганларга ер солиғи оширилган ставкада қўлланилиши маълум қилинди.

Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли ҳўжжати қабул қилиш топширилди. Томорқалар ҳолатини дронлар орқали мониторинг қилиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш учун ҳар бир сектор кесимида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарлар ва ҳоқимлар ахборот берди.

Ў.А.

ДУНЁНИГОҲИ «Халқ сўзи» учун махсус

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистон мисолида синовли кунларда бирдамлик кўрсатишга қодир халқ иродасини кўрмоқда

Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари Ўзбекистон раҳбарияти томонидан коронавирус эпидемияси кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда.

Хусусан, Женева дипломатик доираси президенти Роберт Блум дунёда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ вазият ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистонда қабул қилинаётган қатъий қарорлар ва кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли мамлакатда корона-вирус билан боғлиқ вазият тўлиқ назорат остига олинган, деб ҳисоблайди.

“Ушбу саъй-ҳаракатлар аниқ ва ўз вақтида амалга оширилган бўлиб, аҳолини табиий офатлардан ишончли ҳимоя қилишга имкон бермоқда”, деди Р. Блум.

Эксперт худудларда махсус карантин зоналари яратилиб, юкумли касалликларни даволашга ихтисослаштирилган янги шифохоналар қурилаётгани мисолида Ўзбекистонда инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича чоралар ўз вақтида амалга оширилаётганини таъкидлади.

Қайд этиш жоиз, бугун



ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ ПРОГРЕССИВ ПЛАТФОРМАСИ

Давлатимиз раҳбари томонидан кунга имзоланган “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эл саломатлиги муҳофазасининг янги стратегиясини тўлдиради, уни самарали рўёбга чиқаришда катта роль ўйнайди. Зотан, шу асосда яратиладиган замонавий тиббий-санитария таълим тизими халқ манфаатлари сиёсатининг узлуксиз қисмига айланади.

Муносабат

Хўш, ушбу қарор ҳақида нега мана шундай нуқтаи назар билдирмоқдамиз?

Чунки унинг амалиётга жорий этилиши натижасида тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизими яхшиланади. Соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий тайёрлаш механизми йўлга қўйилади. Тиббиёт ташкилотлари, айниқса, бирламчи тиббий-санитария профессионал мутахассислар билан таъминлаш сифати тубдан оширилади. Тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг маквеи жадал оширилади. Энг муҳими, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш учун инновацион тиббий таълим платформа-



Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларига МУРОЖААТИ

Азиз миришкор деҳқонлар ва томорқа ер эгалари!


Айни пайтда бутун жаҳонни коронавирус пандемияси қаттиқ ҳавотир ва ташвишга солиб турибди. Кейинги йилларда дунё ҳамжамияти билан чуқур интеграцияга киришиб, жадал суръатларда ривожланиб бораётган Ўзбекистонимиз ҳам бу офатдан четда қолиши мумкин эмасди.

Барчамизга маълумки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш, бутун дунё халқлари қаторида юртимиз аҳолисини ҳам ташвишга солаётган бу офатдан ўзимизни, оиламиз ва маҳалламизни сақлаш учун қатъий чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ушбу масала юзасидан давлатимиз раҳбарининг кейинги йигирма кун

мобайнида халқимизга уч марта мурожаат билан чиққанлари ҳам шундан далолат беради.

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бўйича шу йил 3 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳтарам Президентимиз эл-юртимизга яна бир марта мурожаат этди. Чин орақдан изхор этилган ушбу самимий ва таъсирчан мурожаат барча халқимиз қатори фермер, деҳқон ва томорқа ер эгаларимизга ҳам жуда катта руҳий далда бўлди.

Муҳтарам Президентимиз ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлиш билан бирга, **юксак тафаккур, қатъий интизом ва улкан масъулият** кўрсатишимиз лозимлигини таъкидлади.




Математика фани инсон ва инсоният учун нега керак? Тараққиётда унинг аҳамияти қандай? Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзФА Математика институти директори, физика-математика фанлари доктори, академик Шавкат Аюпов ана шу саволларга батафсил жавоб бериши қаторида, юртимизда сўнгги йилларда илм-фанни ривожлантириш, олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Эксклюзив интервью

— Ўқувчилик даврим Тошкентда ўтган. Мактаб йилларидаёқ математика, физика ва табиий фанларга қизиқиш уйғонган. Ушбу қизиқиш аста-секин меҳрга, сўнгра кучли иштиёққа айланиб кетган. Ҳатто юқори синфларга қадам қўйганимда “Келажақда математик бўлсаммикан ёки физик?” деган икки йўл

Ҳасанович Сирожиiddинов ташаббуси билан мана шундай билимлар беллашувлари ўтказиларди. Шаҳар, вилоят босқичида голиб бўлиб, республика босқичига чиқдим. Республика олимпиадаси эса Самарқандда ташкил этилди. Унда голиб бўлганимда юрагимда кечган тенги йўқ қувонч ҳамон ёдимда ва илмий-амалий изланишларимнинг илҳом манбаи сифатида хотирамда муҳрланиб қолган.

Шундай қилиб, аниқ фанлар уммонига кириб келганман. Лекин бошқа фанларни ҳам ташлаб қўймаганман. Афсуски, ҳозирда кўп ёшларасиз бир фанни танласа, бошқа фанларга умуман эътибор бермапти.



2020 йил 9 апрель

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига М У Р О Ж А А Т И

Видеоселектор йиғилишида деҳқончилик юмушлари қизғин паллага кирган шу ганимат кунларда фермер ва томорқачиларимизга ҳам тетик ва бардам бўлиб, тушкунликка тушмасдан, айниқса, керакли тиббий коидаларга қатъий амал қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларини изчил давом эттириш бўйича зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди. Зотан, карантиндан кейин ҳам ҳаёт давом этишини, албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Халқимизнинг бирламчи турмуш эhtiёжларини таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда аграр соҳанинг гоят муҳимлиги кундек равшан. Юзага келган инкироз чуқурлашиб кетмаслиги учун ҳам бободоҳқонларимиз айни кунларда ҳар бир лаҳзани ганимат билишлари жоиз.

Сиз, азиз деҳқонлар етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқимиз дастурхонига етказиб, бозорларимизда нарх-навоинг ўринсиз ошиб кетишининг олдини олишни таъминлаш энг асосий вазифамиз эканини унутмаслигимиз зарур. Бу борада миришкор деҳқонларимиз томонидан бугунги кунга қадар бажарилган ишлар таҳсинга сазовордир.

Мавжуд ноқулайликларга қарамасдан маҳсулотларингизни халқимизга етказиб бериш учун аҳоли яшаш пунктларида кўча савдо дўконлари, кичик савдо ярмаркалари ташкил қилинмоқда.

Азиз юртдошлар, мамлакатимизга четдан кириб келган коронавирус пандемияси мисли қўрилмаган ташвишларни келтириб чиқараётган бир пайтда, томорқаларимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан халқимиз фаровонлигини, дастурхони тўқинлигини, бозорларимиздаги арзончиликни таъминлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Барчани бу муқаддас бурчимизни виждонан адо этишга чақирамиз!

Юртимизнинг барча ҳудудида меҳнатидан барака топаётган тажрибали деҳқонлар кўп. Томорқа ҳар бир оиланинг бами-соли хазина манбаи. Айни вақтда мамлакатимизда сизлар — 4,5 миллиондан ортиқ деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаси 435 минг гектар унумдор экин майдонида меҳнат қилмоқдасиз.

Серхосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бор экан, доимо ундан унумли фойдаланиш, хонадонларимизни обод,

яшаш шароитимизни муносиб ҳолатга келтириш учун ҳаракат қилайлик. Бундай амалий ибрат асосида улғайган фарзандларимиз ҳам яхши яшашга интилиб, ўз келажаги учун астойдил меҳнат қилади.

Маълумки, деҳқончиликда баҳорнинг бир куни бир йилга татийди. Кўпни кўрган, омилкор деҳқонларимиз мана шундай ҳал қилувчи паллада қандай юмушларни бажариш зарурлигини жуда яхши билади. Табиат инжиқликлари билан курашларда тобланган тажрибали деҳқонларимиз вужудга келган вазиятни тўғри қабул қилган ҳолда, ҳар бир дақиқани ганимат билиб, ундан унумли фойдаланадилар, деб ишонамиз.

Ҳозирги синовли даврда ерга экин экмаслик, томорқа майдонларини қаровсиз қолдириш она замнимизга нисбатан хиёнат, деб баҳоланади.

Ҳурматли томорқа ер эгалари, миришкор деҳқонлар!

Биринчидан, айни кунларда ўз ҳовлимиз, томорқаларимизни тартибга келтиришимиз жуда муҳим. Мевали дарахтларга, экинларга зиён етказадиган турли зараркунандаларга қарши ишлов беришни ўз вақтида бажаринг;

иккинчидан, апрель ойининг қулай об-ҳавосида қисқа муддатларда **бир қарич ҳам еримизни бўш қолдирмай**, сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар уругини қаданг;

учинчидан, ҳозирги мураккаб шароитда томорқадан олинадиган ҳосилни **икки марта кўпайтириш учун астойдил ишлайлик**, тўқсонбости ва эртаги экинлардан бўшайдиган томорқа ерларига **май-июнь ойларида** такрорий сабзавот, полиз, картошка ва бошқа озуқа экинларини экайлик. Ўз эhtiёжимиздан ортган қисмини халқимиз дастурхонига ва экспортга етказиб берайлик. Бу ишимиз билан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек олижаноб ишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз;

тўртинчидан, томорқа қўшимча даромад манбаи эканини доимо ёдда сақлаган ҳолда, ундан **уч марта ҳосил олишга интилайлик**, бунинг учун ҳар бир хонадонда ихчам иссиқхона қуриб, намунали томорқачи ва илгор деҳқонлар тажриба мактабини ўзлаштирайлик. Жойлардаги кенгашларимиз сиздан ёрдамини аямайди. Кенгаши-

миз ҳузуридаги жамғармадан имтиёзли кредитлар ҳам ажратиш кўзда тутилган.

Унумдор еримиз ва серқуёш юртимизда ўз томорқасига эга бўлган юртдошларимизнинг камбағал яшаши халқимизнинг меҳнатсеварлик ва ишбилармонлик фазилати-га ярашмайди.

Ҳурматли маҳалладошлар ва ҳамқишлоқлар, **“Бир маҳалла — бир маҳсулот”** та-мойилига амал қилиб, маҳаллаларимизни муайян турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирсак, қилган меҳнатимиздан юқори даромад олишга замин яратилади.

Чунки маҳалла миқёсида бир хил маҳсулотнинг етиштиришини унинг йирик бозорларга чиқарилишида логистика нўқтаи назаридан қулайликлар яратишини эсдан чиқармаслигимиз керак. Шундай экан, маҳалла оқсоқоллари ва устоз деҳқонларнинг маслаҳатларига амал қилиб, бир ёқадан бош чиқариб, бу жараёнда фаол иштирок этайлик. Маҳаллада кам таъминланган оилаларнинг ўз томорқаларида деҳқончилик билан шуғулланиб, ўзларини тиклаб олишига баҳоли қудрат ёрдам берайлик.

Қадрли миришкор деҳқонлар ва томорқа ер эгалари!

Мамлакатимизда “Илгор фермер”, “Меҳнатшак деҳқон” ва “Намунали томорқачи” каби кўкрак нишонларининг таъсис этилиши ҳам деҳқонларимизнинг меҳнати-га берилаётган юксак эътиборнинг ёрқин далилидир. Бу — халқимизнинг дастурхонини обод, турмушини фаровон қилиш билан шуғулланаётган, яратувчанликка умрини, меҳрини бағишлаган азамат деҳқонларимиз учун муносиб эътирофдир.

Ҳар бир туманда ташкил этилган “Томорқа хизмати” МЧЖлар ҳудуддаги томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, бу борада тупроқ-иклим шароити ва сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, қайси турдаги экинларни экиш, парвариш-лаш, маҳсулотни йиғиб олиш ва уни сотиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги

Шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруглик, қўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун “Томорқа хизмати” МЧЖ, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартнома асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баробаридан 10 баробаригача бўлган миқдорда субсидиялар берилади.

Қишлоқ жойларда захирадаги ер майдонларини фойдаланишга киритиб, кооперативлар ташкил қилинмоқда. Бу кооперативларнинг ҳар бир аъзосига аҳолининг жойлашувидан келиб чиқиб, 20 — 50 сотихгача экин майдони ва субсидиялар ажратилиб, улар керакли миқдордаги уруглик ва ўғитлар билан таъминланмоқда. Энг муҳими, кооператив аъзолари томонидан етиштирилган маҳсулот ҳам бозор нархларида сотиб олинади. Бу тадбирлар ёрдамида, биринчи навбатда, қишлоқ ҳудудларида ишсизликнинг камайишига эришилади ва қолаверса, камбағалликни бартараф этиш йўлида муҳим қадам ташланади. Сурхондарё, Андижон, Наманган, Фарғона ҳамда бошқа вилоятларда ушбу ишларнинг бошлангани фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳурматли фермерлар!

Сизларни томорқангизда оилангиз эhtiёжи учун маҳсулот етиштириш билан бирга, маҳаллангиздаги кам таъминланган оилаларга ўз томорқасида деҳқончилик қилишлари учун кўмак беришга чақирамиз.

Бу борада кўрсатган моддий ва маънавий ғамхўрлигингиз, савобли ишларингиз уларнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшади. Унутманг, маҳалладошларингизга кўрсатилган бундай эътибор ва ғамхўрлик сизлар кузда оладиган мўл ҳосилнинг баракали бўлишини таъминлайди.

Мана шундай эзгу ва олижаноб ишларда барчангизга муваффақият ва омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

Халқ сўзи

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистон мисолида синовли кунларда бирдамлик кўрсатишга қодир халқ иродасини кўрмоқда

Таъкидлаш жоиз, коронавирус сабаб юртимизда 100 мингдан ортиқ инсонлар карантинга олинган. Мамлакатимиз раҳбарияти аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида зарур барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бугун Францияда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган юртдошимиз, малакали мутахассис, **тиббиёт фанлари доктори Нодира Фрескалин** ҳам бу борадаги ишларни юқори баҳоламоқда.

— **Ўзбек фарзанди бўлганим боис Ўзбекистонда инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича кўри-лаётган чоралар мени ҳам бефарқ қолдиргани йўқ, — дейди Нодира. — Шифокор сифатида айтишим мумкин-ки, Ўзбекистонда ушбу касаллик аниқланган дастлабки кунлардан бошлаб, инфекцияга қарши кура-иш, унга чалинганларни даволаш бўйича фаол, кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Мамлакатимизда коронавирусга қарши курашиш учун барча зарур шароитлар яратилганидан мамнунмиз. Гарчи Ватандан олисда бўлсак-да, қалбан юртдошларимиз билан биргамиз. Ишонч билан айта оламанки, меҳнатсевар ўзбек халқи тез орада пандемия билан боғлиқ қийинчиликларни енгиб ўтади.**

Ҳақиқатан ҳам, бугун инсоният пандемия сабаб юзага келган оғир вазиятдан азият чекмоқда. Аммо бу ўзбекистонликлар иродаси ва бирдамлигини синдира олгани йўқ. Аксинча, қийин дамда ҳамфикр-лик, яқдиллик кўрсатишга одатланган халқимиз хоҳ хорижда, хоҳ Ўзбекистонда бўлсин, ягона мақсад йўлида бирлашиб, дунё халқла-рига ибрат бўлмоқда.

Ўзбекистон Республика-сининг Лондондаги элчи-хонаси томонидан ўзбек диаспораси фаоллари кўмағида Буюк Британия-да пандемияга қарши кўри-лаётган карантин чо-ралари туфайли қийин

таъминланади. Ушбу ишларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар 2019 йилдан бери Ўзбекистонда фаолият юри-таётган Озарбайжоннинг “СТC Holding” компанияси томонидан қопланади.

Хулоса ўрнида шунги таъкидлаш лозимки, бугун жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг янги босқичи-га қадам қўйган Ўзбекис-тон кўрсатаётган натижа-ларнинг яна бир жиҳати — синовли кунда жипсла-шиб, олға интилишга қодир халқ иродасини ўзи учун кашф қилмоқда ва эътироф этаётир.

«Дунё» АА.

МУСТАҲКАМ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ МУАММОНИНГ ЕЧИМИДИР

Коронавирус инфекциясининг шиддат билан тарқалаётгани бутун инсониятни жиддий ташвиш ва хавотирга соляпти. Ҳар бир давлат ўз имконияти доирасида бу офатнинг таъсирини юмшатиш ҳамда кенг тарқалишининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда.

Жараён

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорлари ҳамда кўрсатма-лари асосида ана шундай қатъий, қисқа муддатда самара беради-ган кенг кўламли чора-тадбир-лар амалга ошириляпти. Улар-нинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун барча давлат органлари бирдек масъул эканини ортиқ-ча изоҳлашга ҳожат йўқ.

Бош прокуратура яқинда ко-ронавирус кенг тарқалишининг олдини олиш, тегишли хизмат-ларга мазкур касалликка чалин-ган беморлар билан алоқада бўлган шахсларни тезкор ра-вишда аниқлаш ва уларнинг бошқа фуқаролар билан муло-қотини чеклаш бўйича кўмакла-шиш чораларини белгиледи. Жумладан, Бош прокуратура-

да коронавирус инфекциясига чалинган беморлар билан муло-қотда бўлган шахслар доираси-ни аниқлаш бўйича идоралараро штаб, ҳудудларда эса, идоралар-аро ишчи гуруҳлар тузилди. Мазкур гуруҳлар коронавирус инфекциясига чалинган бемор-лар билан тегишли суриштирув ишларини ўтказади, уларнинг эпидемиологик маршрути, ким билан қачон, қаерда мулоқотга киришганини аниқлайди.

Ушбу штаб фаолиятини сама-рали ташкил қилиш, қолаверса, инфекциянинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, унинг муҳдиш оқибатларининг олдини олишда барчамиз ҳам-

корликда ва ҳамжиҳатликда иш-лашимиз ҳам гоятда муҳим.

Шу билан бирга, ҳар бир фуқаро ўз кундалигини юритиши, қачон, ким билан, қаерда ва қай тарзда мулоқот қилганини ёзиб бориши ҳам мақсадга мувофиқ-дир. Бу маълумотлар, аввало, касалликнинг олдини олиш, унинг тарқалишига чек қўйиш, пировардида минглаб одамлар-нинг ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Зотан, аксарият давлатлар тажрибаси инфекциянинг илк зарбаларини қабул қилиб олаётган тиббий хизматнинг унга чалинганлар билан мулоқот-да бўлганларни аниқлаш ҳамда



9 апрель — Амир Тему́р таваллуд топган кун

Манбаларда қайд этилганидек, ҳар қандай тарққиётнинг асоси сифати таълим тизими эканлигининг чуқур аңглаган Соҳибқирон биринчи ғалда маорифни тўғри йўлга қўйиш, илмли, маърифатли шахсларнинг жамиятда-ги макъенини кўтариш йўлидан бор-ган. Улкан салтанатнинг барча ша-ҳар ва йирик қишлоқларида кўплаб бошланғич мактаблар барпо этилган. Соҳибқироннинг салтанат маъмур-лари олдига “Катта-кичик ҳар бир ша-ҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мад-раса ва ҳонақоҳлар бино қилсинлар”, “Мударрислар ва шайхларга кундалик маошлари белгиласинлар”, “Саййид-лар, уламо, машойих, фузало, улуг-ларни азиз тутсинлар”, деган вази-фани қўйгани “Тему́р тузуқлари”да ҳам ақс этган. Улуг амирнинг бу топши-риғи, табиийки, бутун салтанат дои-расида ихро қилинган.

Амир Тему́р ва темурийлар даври-да мадрасалар илмий марказ, маъ-рифат ўчоғи вазифасини бажарди. Шаҳарлардаги ҳар бир мадрасага ер-мулклар ажратилиб, улардан ке-

ладиган даромадлар мударрислар ҳамда хизматчилар маоши, кутубо-на таъминоти, таъмирлаш ва бошқа ишлар учун сарфланди.

Соҳибқирон буйруғига кўра, мад-расаларда диний илмлар (тафси́р, ҳадисшунослик, фиқҳ ва бошқалар) билан бир қаторда, дунёвий илмлар ўқитилиши изчил йўлга қўйилди. Мам-лакатда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари аниқ фанлар, хусусан, риёзиёт (математи-ка), хандаса (геометрия), меъморчи-лик, муҳандислик бўйича олий дара-жали мутахассисларга катта эhtiёж-ни юзага келтирди. Таълим жараёни-га ислом дунёсининг таниқли олим-уламолари жалб қилинди.

Хусусан, журжонлик машҳур файла-суф олим Мир Саййид Шариф Журжоний 1387 йили Самарқандга тақлиф қилинади ва у Соҳибқирон то-монидан барпо этилган “Дорушшифо” (шифохона ва мадраса)да, яъни тиб-биёт бўйича мутахассислар тайёрла-надиган мадрасада дарс беради. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафар-

нома” асарида қайд этилишича, Амир Тему́р тақлифи билан салтанат пой-тахтига Шом юртининг машҳур та-библари — мавлоно Жамолуддин ва Сулаймон ҳам келган, улар фаоли-ят учун барча шароит яратиб бе-рилган. Ибн Арабшоҳ асарида мавло-но Жамолуддин Шомда табобат раиси бўлганлиги ҳақида маълумот келтирилади.

Амир Тему́рнинг буйруғи билан Самарқандда ўз даврида ягона бўлган кутубхона барпо этилган бўлиб, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида бу кутубхона фонди янада бойитил-ган ва мамлакатнинг ҳақиқий илм-маърифат марказига айланган.

Илм аҳлини юксак қадрлаган Соҳибқирон олим-у фузалолар билан тез-тез кенгашиб тургани тарихий манбаларда қайд этилади. Хусусан, Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Амир Тему́р бирор масалани ҳал қилмоқчи бўлса, аввал шу соҳа-нинг билимли мутахассислари, олим-лар билан маслаҳат қилганлигини таъкидлайди.

Соҳибқирон саройида ислом дунё-сининг таниқли олимлари хизмат қил-ганлар. Улар қаторида Амир Тему́р-нинг шахсий котиби, сарой девони муншйиси мавлоно Шамсуддин, Со-ҳибқиронга тарих ва киссалар ўқувчи мавлоно Убайд, улуг амирнинг тар-жимони, замондошлари томонидан фозил олим, комил фақиҳ, машҳур тадиққотчи сифатида таърифлан-ган мавлоно Абдужаббор Хоразмий, машҳур мунажжим, табиб ва мискар мавлоно Бадриддин Аҳмад, машҳур хаттотлардан Саййид Бандгир, Тоҳиддин ас Салмоний, қироатли хофизлардан Абдулатиф ад-Димғоний, Маҳмуд ал-Муҳриқ ал-Хоразмий, ваъзхонлардан мавлоно Аҳмад ат-Термизий ва бошқа кўплаб олим-лар бўлган. Санъат аҳли, хунарманд-усталар ҳам Амир Тему́р саройидаги кенгашларда тез-тез қатнашиб турган. Соҳибқироннинг буйруғи билан улар-га тегишли нафақа тайинланиб, иходий фаолияти давлат хазинаси-дан молиялаштирилган.

Шарафиддин Али Яздийнинг “За-фарнома” асарида келтирилишича, Амир Тему́р тарихчи олимларни жуда эъзозлаган. Саройда биткичилар, та-рихчилар фаолият юритган. Бу Амир Тему́р ва темурийлар даврида тарих-навислик фанининг юксак даражада ривожланишига олиб келди. Бу давр-да Низомиддин Шомийнинг “Зафар-нома”, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Тайму́р”, Ҳофиз Абрунинг “Маъжуа ат-таво-рихи султония”, “Зубдат ут таво-

рихи Бойсунқурий”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Фасиҳ Ҳавофийнинг “Маъмали Фа-сиҳий”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саздайн ва маъмай бахрайн”, Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” ва “Мақорим ул-ахлоқ” каби машҳур асарлари яратилди.

Амир Тему́р ижод аҳли ва мушои-рани хуш кўрган. Алишер Навоий “Ма-жолис ул-нафоис” асарида “Тему́р Кўрагон... агарчи назм айтмоққа ил-тифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқугони минг яхши байт айтқонича бор”, дея қайд этган эди. Темурий-лар даврида туркий тили адабиёт янги асосда ривожланиш йўлига кирди. XIV-XV асрларда ижод қилган Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойил, Гадоий, Лутфий, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарлари билан ўзбек адабиёти тарихидан муносиб жой олди.

Амир Тему́р салтанат ишларидан бўш пайтда шахмат ўйинига ҳам жуда қизиққани маълум. Ибн Арабшоҳ ўзи-нинг “Ажойиб ал-мақдур фи ахбори Тайму́р” асарида ўша даврнинг би-ринчи шахматчиси дея улугланган фақиҳ ва ҳадисшунос олим Алоуддин ат-Табризий Соҳибқирон билан шахмат ўйнаганлигини ёзиб қолдирган.

Амир Тему́р ҳукмронлиги даврида барпо этилган маҳобатли меъморий

иншоотлар мамлакат қудратини, бунёдкорликка асосланган буюк юк-салишни яққол намоён қилади. Соҳибқироннинг бевосита ташаббу-си билан мўғуллар истилоси даврида вайрон этилган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Бинокат каби шаҳар-лар қайта тикланди, кўплаб янги ша-ҳар ва қишлоқлар барпо этилди. Шахрисабздаги Оқсарой меъморий мажмуаси, Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди, Амир Тему́р мақбараси, Шохизинда меъморий мажмуаси, Туркистонда меъморий мажмуаси, Мақбараси ва бошқа иншоотлар Амир Тему́р даврида бунёд этилган ма-ҳобатли иншоотлар бўлиб, улар бугун-ги кунда ўлкамизда туризмни ривож-лантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Шу тариқа, Амир Тему́р ҳукмрон-лиги даврида юртимиз тупроғида ик-кинчи Ренессанс — уйғонish даври юзага келди. Самарқанд, Кеш, Бухо-ро, Хирот ва бошқа шаҳарлар маъри-фат, илм-фан, маданият марказлари-га айланди. Буюк Ипак йўли бўйлаб халқаро савдо ва маданий алоқалар, қўшни ва узоқ мамлакатлар билан эл-чилик муносабатлари ўрнатилди. Бу ўзгаришлар замирида Амир Тему́р асос солган ва кўплаб темурий ҳукмдорлар давом эттирган илм-фанга, маданият ва санъатга, маорифга эътибор, уларга ҳомийлик қилишга йўналтирилган давлат сиёсати муҳим аҳамиятга эга эди.

Ўтқам МАВЛОНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Табиат ҳам оқ ниқоб тақди...

Фақат у яхшилиқ ва хайру барака келтирсин.

Она табиат Сиз билан биз гоҳида тушуниб, гоҳида тушуниб етмайдиган мўъжизалардан, сиру синоатлардан иборат. Қарангки, авжи баҳорда ўриқлар аллақачон гулини тўкиб, довучча туккан, олма, гилос, шафтолилар чаман гуллаган, борлиқ яшнаб ифорга тўлган, кўклам юмушлари авжга чиққан бир паллада севалаб ёғатган ёмғир, бирдан қорға айланди. Ҳеч қанча ўтмай боғлар, далалар, қир-адирлар, бутун борлиқ оппоқ тус олди.

Ҳайрат



Гўёки бугун бутун оламни ташвишга солиб турган коронавирус эпидемиясидан табиат ҳам ёзғириб, Яратгандан қушоиш тилаб олдинга кўзёш тўқандек, сўнгра ҳамма-ҳаммага шифойи комил сўраб, у ҳам ўзини ҳимоя қилиш мақсадида юзига ниқоб тақиб олгандек бўлди.

Биз табиатнинг бундай турфа турланликлари, эври-лишларини кўп кўрганмиз. Ўзимизнинг сабр-тоқатимиз, иродамиз, шиддат-шижоатимиз, бирдамлигимиз ва жипслигимиз билан вақти келса, ҳар қандай табиат қийинчиликларини, не-не тошқуну селларни, довулу бўронларни, ер тебраниши — зилзилаларни мардона енгиб ўтиб, мақсад-муддаомизга етган халқмиз.

Ҳар бир ҳодисанинг у ёмондир, яхшидир ўз ҳикмати бор. Бу қор, борлиқдаги оклик ёруғликдан, эл қатори бошимизга тушган пандемиядан тез орада халос бўлишимиздан бир мўждадек, она табиатнинг ишорасидан, таскиндек таассурот қолдиради кишида.

Муқтарам Президентимиз халқимизга устма-уст мурожаат қилиб ҳамма-ҳамма-мизни қоронавирусга қарши бирдамлик — бир оғизликка, темир интизомга, матонатга қорлаб турган, бунинг учун барча чора-тадбирларни кўраётган айти синобли кунларда янада жипслашиб, белимизни янада маҳкам боғлаб, руҳимизни бандан тутиб мардона ҳаракат қили-

шимизни табиатнинг ўзи барчамиздан сўраётгандек, гўё.

Табиат ҳодисалари ўткинчи. Бугун қор ёғса, орадан ҳеч қанча ўтмай кўкда офтоб қарақлаб борлиқни нурга қориштириши, яна борлиқ яйнаши, яшариши турган гап. Шундай экан, бу қор, бу оклик ҳар биримизнинг қалбимизга ёруғлик, эзгу ниятлар баҳида этиши, эртанги кунимизга умид, ишонч уйғотиши ҳам бор гап.

Кўнгилни тўқ қилайлик. Ҳадемай, офтоб қарақлайди. Борлиқ яна ўзгача гўзаллик ва тароватга бурканди. Табиатнинг бу гўзалликлари-дан Сиз билан биз ҳам яшнаб, яшарамиз. Дард тортиб ётган ҳамюртларимиз ҳам табиатдан қувват олиб оёққа турадилар, инша Аллоҳ! Яна бепоеён боғларимиз, далаларимизда меҳнат мароми изга тушади. Янаш, яратиш иштиёқи қалбларимизда жўш уради. Мана кўрасиз, пандемия ҳам чекинади. Албатта, чекинади!

Ахир оклик бу поклик, пок ният демак.

Оқлик ёруғлик демак. Энг яхши кунларимиз олдинда.

Ҳаёт давом этади.

«Халқ сўзи».

КИТОБ ЎҚИНГ, УЙДА ҚОЛИНГ!

Бир кун қолдирилган сабоқ, ўз вақтида олинмаган бир соатлик дарс, бажарилмаган ўй вазираси “домино эффекти” каби салбий таъсир кўрсатиб, кейинги таълим дастурларига жиддий таъсир кўрсатиши аниқ...

Ташаббус

Дунёда қоронавирус пандемияси хавф-хатари ўсиб бораётган мураккаб шароитда 60 га яқин давлатларда ярим миллиард ўғил-қизлар таҳсил олаётган мактаблар тўқиб ёпилади. Аксарият ҳукуматлар таълими давом эттириш бобида чорасиз қолмоқда.

Аммо Ўзбекистонда қўрилган тезкор тадбирлар ва пухта тайёргарлик сабабли таълим олиш жараёнининг узлуксизлиги таъминланишига эришилди. Тўғри, юртимизда туртинчи қоракма мактабларда кўнғирок сандолари чалинмади. Бироқ тарихимизда илк маротаба ялли масофадан ўқитиш ишлари бошланди ва изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда қоронавирус пандемияси келтирилган инкирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўтказилган видео-селектор йиғилишида халқимизга мурожаат қилиб, энг муҳим тадбирлар қаторида фарзандларимизнинг вақтни бекор ўтказмасдан, онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштириш, китоб ўқиш, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирмасдан бажариш зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидлади.

Бу оддий йиғилиш эмас, балки халққа, жумладан, ёшларга мурожаат бўлди.

Мамлакат ривожини, миллат тақдирининг таянч нуқтаси мактаб, ўқиш ва ўқиб экани яна бир бор қўрсатиб ўтилди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини ушбу хайрли ишга ҳисса қўлишига қарор қилди: мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилган Республика ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига уч мингдан зиёд китобларни етказиб берди.

— Халқимиз азал-азалдан китобни севган, қадрлаган. Китобхонлик маданияти жуда юксак бўлган, — дейди “ШАРҚ” НМАК бош муҳаррири Ахрор Аҳмедов. — Шунинг учун ҳам ушбу марказга “Қизқарлик математика” каби ўқув адабиётлари-дан ташқари болалар адаблари-дан Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев, Мухтор Худойқулов, шунингдек, Ойбек, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Эркин Боҳодилов, Тоҳир Малик, Эркин Аъзам сингари элимиз суйган шоир ва ёзувчиларнинг китоблари танқид этилди.

Айтиладиган гап битта — китоб ўқиш, бу — бўш вақтни “ўлдириш”, ё кўнғилхушлиқ эмас. У жамиятнинг умумий савиясини кўтар-диган, тараққиётга, ривожланишга ҳизмат қиладиган энг муҳим омил. Китобхонлик ривожланишининг янги эшигини очади, шунда фаровонлик юксалади.

«Халқ сўзи».

Академик Шавкат АЮПОВ:

«МАТЕМАТИКА

БУ ҲИСОБ-КИТОБ ЭМАС, БАЛКИ ИНСОН ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ МУҲИМ ОМИЛДИР»

1 Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) механика-математика факультетида ўқишни давом эттирдим. Илм олиш давомида Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Саъди Сирожиiddинов, Тошмуҳаммад Саримсоқов каби академик устозларимиздек бўлиш, уларнинг бирортасига шогирд тушишини орзу қилардим. Яратганга шукр, ниятларим ҳолис экан, рўёбга чиқди.

Фанлар академиясидаги фаолиятимни 1979 йилда бошлаганман. Сабаби айнан шу йилда Ўзбекистон Фанлар академиясида Тошмуҳаммад Саримсоқов ташаббуси билан сеvimли йўналишим — функционал-анализ бўлими очилган эди. Домла ўшанда “Менинг шогирдим сифатида ўша жойга ўтсангиз” дея академияга тавсия қилган. Айнан шу маслаҳат кейинчалик ҳаётим мазмунини белгилаб берган, десам, муболага бўлмайди. Зеро, 1995 йилда ўзим ҳам академикликка сайландим.

— **Маълумки, юртимизда илм-фанга эътибор, айниқса, сўнгги йилларда тубдан ўзгарди. Фан соҳасида янгиликларни амалга ошириш учун барча эшиклар очилмоқда. Сиз эса нафақат фан арбоби, Математика институтининг директори, балки халқ вакили, яъни Сенат аъзоси ҳисобланасиз. Мана шундай кўп қиррали фаолият эгаси сифатида ана шундай ўзгаришларни қандай ҳис этяпсиз?**

— Алгоритмни саволга шу тақлид жавоб қайтарсам. Олим сифатида мамлакатимизда фан, хусусан, математикага бўлган эътибор ўзгараётганини 2016 йилдан ҳис қила бошладим. Сайловдан сўнг Президентимиз Шавкат Мирзиёев тезда, аниқроқ, 30 декабрь куни илм-фан вакиллари-дан иборат жуда катта жамоани йиғди. Шу жумладан, академикларни ҳам бир жойга тўплади.

Бу беҳиз эмас. Сабаби узоқ йиллар давомида республикамизда Фанлар академияси, илмий текшириш институтлари ва умуман, илм-фанга бўлган аҳамият жуда пасайиб кетган эди.

Йиғилишда Президентимиз тараққиёт пойдевори ҳисобланган фанимиз олдида қилинадиган қандай ишлар турибди, деган долзарб масалани ўртага ташлади. Зиялилар ўзларига нисбатан янги-ча ва неқбин қараш шаклланаётганини шу заҳотиёқ сезишди. Кўп вақт ўтмасдан илм-фани ривожлантиришга қаратилган фармонлар, қарорлар чиқди. Академикларни

лан, ўзим шогирдларим билан биргаликда 2017 йилда илм-фан соҳасида биринчи даражали Давлат мукофотини олдим. Бу математикага ҳам эътибор мутлақо янги ўзгача тушганини аниқлади. Айнан ушбу фан бўйича иқтидорли болаларни саралаш, республика ва халқаро олимпиадаларни ўтказиш сифатини тубдан ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди ва уларнинг ижроси сўзсиз бажарилди.

Энди институт директори сифатида гапирсам, биринчи навбатда, институтизмнинг академия сафига қайта қўшилгани ҳамма-мизни қувонтирди. 2019 йил июль ойида Президентимизнинг “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институтини фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор бизнинг институтизмиз ва умуман, математик олимлар ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Сабаби илгари грант тизимида эдик. Тўғри, бу тизимнинг ижобий томони ҳам бордир. Бироқ илмий иш учун олинган грантдан маош беришимиз, коммунал тўловларни тўлашимиз жуда оғир масала ҳисобланарди. Боз устига, агар қўл остингиздаги ҳодимлар грант ютиб ололмаса, оқибатда институт фаолияти ҳам тўхтаб қолиши, ҳатто ёпилиб кетиш арафасига келиб қолиши мумкин эди. Ўша вақтда ҳаммамнинг фикри лойиҳа ёзиб, грант ютиб олиш бўлиб қолганди. Бу институтларнинг ижодий фаолиятига салбий таъсир қилаётганди. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори асосида институтизмиз бюджет ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Айни чоғда Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг Математика институтини учун замонвий талаблар асосида янги бино барпо этиляпти. Бу жуда катта ёрдам.

Пировардидан институтизмизда иш ўринлари сони ҳам кенгаймоқда. Бу келажакка ишонган ёш илмий изланувчилар, демакки, прогрессив тадқиқотлар кўпайди деганидир. Қолаверса, илмий ишлар бўйича директор муовини лавозими шу заҳотиёқ сезишди. Кўп вақт ўтмасдан илм-фани ривожлантиришга қаратилган фармонлар, қарорлар чиқди. Академикларни

дорли болалар билан алоҳида шуғулланиш, математикага ихтисослаштирилган мактаблар сонини кўпайтириш масаласига парламент эътиборини қучайтиришни бош вазирам, деб биламан. Зеро, давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида турли йўналишлар қатори математикада ҳам фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилиши, фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизминини тубдан қайта қўриб чиқиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

— **Заминимиз математика фани бешиқларидан бири бўлган десак асло муболага эмас. Ўзбекистон қачон ана шу мақомига қайта эриша олади деб ўйлайсиз?**

— Албатта, биз жуда бой тарихга эгамиз. Аждодимиз Ал-Хоразмий мероси нафақат математика, балки кўпгина бошқа фанларга ҳам асос бўлган.

Математикаларга Нобель мукофоти берилмайди. Аслида эса охириги йилларда ушбу совринни кўп математиклар оляпти, десам, муболага бўлмайди. Масалан, иқтисодиёт соҳасидаги нобелчиларнинг аксарияти соф математиклардир. Кимё ва биологияда кашфиёт қилиб, инқилобий ўзгаришлар ясаётганлар ҳам бунга математик моделлаштириш эриша олишмаган бўлар эди. Кўриниб турибдики, Президентимизнинг ҳамма фанларнинг асоси математика деган гаплари, илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришни жорий йилнинг асосий мақсади сифатида белгилаб қўйгани беҳиз эмас. Мана нима учун болаларга эрта ёшдан ушбу фанга бўлган қизиқишини уйғотиш ва уни қучайтириб бориш керак. Кўрапсизми, ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби болаларимиз ҳам жаҳон аниқ фанлари устуналарини сифатида тан олинган. Ўз устимизда ишламай, янгиликлар қилмай, аждодларимиздан шунчаки фахрланиб юраверсак, тарих ва кейинги авлодлар бизни кечирмайди. Бинобарин, аждодларимизга муносиб бўлишимиз керак. Бунинг учун бугун барча шароит яратиб бериляпти ва юртимизда яқин келажакда янги ал-хоразмийлар етишиб чиқишига ишонаман.

Тан олиш керак, бизнинг ҳудудимизда Мирзо Улуғбек давридан кейин аниқ фанлар ривожланмай қолган эди. XX асрнинг 20-йилларига келиб, Ўзбекистонда замонавий математика фани яна ривожланиб бoшладди. Институтизмизга нега В. И. Романовский номи берилган, деган савол туғилиши табиий. Всеволод Иванович Романовский аслида шу юртининг фарзанди. Санкт-Петербургда ўқиб, ўша жойда профессор бўлган. Сўнг Туркистон давлат университети (бугунги Миллий университети) профессори сифатида талабаларга дарс берган ва декан бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи аъзоларидан. Республикамизда замонавий математика устуналари бўлиши академиклар Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиiddинов-га устозлик қилган. Институтизмиз номи айнан шу киши шарафига қўйилган.

— **Давлатимиз раҳбари олимлар билан учрашганда болаларда математикага бўлган меҳрни эрта ёшдан уйғотиш масаласига тўхталиб ўтар экан, “Математика**

ҳамма аниқ фанларга асос. Бу фанни яхши билган бола ақлли, кенг тафаккурли бўлиб ўсади, ис-талган соҳада муваффақиятли ишлаб кетади” дея таъкидлаб ўтди...

— Президентнинг ушбу гаплари, шубҳасиз, исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Зеро, математика бу аслида ҳисоб-китоб эмас, балки инсон тафаккурини ўстирадиган муҳим омилдир. Ал-Хоразмийнинг “Ал-жабр ал-муқобала” асари марказида ҳам ҳисоб-китоб эмас, балки янги-ча фикрлаш, масалани ечишга тизимли (алгоритмик) ёндашиш бош тамойил сифатида белгилаб олинган.

Калькулятор ва янги компьютер технологиялари чиққандан кейин, кўпчилик математика умуман керакмас фанга айланди, деган фикрга келган эди. Биласизми, бугунги инновациялар, рақамли иқтисодиёт, квант технологиялари, тиббиётдаги энг замонвий таъхис усуллари асосида нима ётади? Математик моделлаштириш. Математикани мукаммал ўзлаштирмай туриб эса самарали моделлаштиришни яратиб бўлмайди. Бугун бутун дунё аҳолисини ниҳоятда мураккаб аҳолга солиб қўяётган қоронавирус пандемиясининг иқтисодий оқибатлари, уни тўхтатиш прогнозлари ва ҳатто ушбу вирусга қарши препарат яратиш усуллари ишлаб чиқишда математик моделлаштиришдан кенг фойдаланилмоқда.

Шу ўринда бир аргумент келтирсам. Математикаларга Нобель мукофоти берилмайди. Аслида эса охириги йилларда ушбу совринни кўп математиклар оляпти, десам, муболага бўлмайди. Масалан, иқтисодиёт соҳасидаги нобелчиларнинг аксарияти соф математиклардир. Кимё ва биологияда кашфиёт қилиб, инқилобий ўзгаришлар ясаётганлар ҳам бунга математик моделлаштириш эриша олишмаган бўлар эди. Кўриниб турибдики, Президентимизнинг ҳамма фанларнинг асоси математика деган гаплари, илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришни жорий йилнинг асосий мақсади сифатида белгилаб қўйгани беҳиз эмас. Мана нима учун болаларга эрта ёшдан ушбу фанга бўлган қизиқишини уйғотиш ва уни қучайтириб бориш керак. Кўрапсизми, ҳаммаси бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

— **Ҳозирги кунда ўзингиз ҳам қўзатиб бораётган бўлсангиз керак, ота-оналар ўртасида фарзандларини ментал арифметикага бериш ҳолатлари кўпаймоқда. Ваҳолонки, бундан 5-6 йил олдин ҳам кўпчилик бу ҳақда билмасди. Айнан ёш авлоднинг тарбиялашда, фикрлашнинг ўстиришда ментал арифметиканинг ўрни қандай?**

— Ментал арифметика — бу тез ҳисоблаш усулидир. Масалан, калькуляторлардан фойдаланиб эмас, балки мияда ўйлаб, қандайдиган усулларда ҳисоблашдир. Очиги, мен ментал арифметикани тушунолмаганман, лекин бу тез ҳисоб-китоб билан мияни қархлайдиган яхши усул деб биламан. Аммо бу математикага асос



бўлмайди. Юқорида айтдим, математика бу ҳисоб-китоб эмас. Ментал арифметика шахмат ўйини каби одамни фикрлашга, тез ҳисоблашга ўргатадиган арифметикадир. Яхши шахматчи бўлганлар яхши математик бўла олма-лиги мумкин. Шунинг учун, ментал арифметика инсоннинг миясини ривожлантириш учун керак нарса. Лекин математикага деярли алоқаси йўқ.

— **Соҳамиздан келиб чиқиб, лирик чекиниш сифатида савол бермоқчи эдим. Машҳур немис математиклари-дан бири “Ўзгина шорилғи бўлмаган математик ҳақиқий математик эмас” деган экан. Умуман, математик қай тарзда ижодкор бўлиши керак?**

— Аслида математика ҳам бу ижод. Лекин ижод ҳам ҳар хил бўлади-да. Математиклар икки тоифага бўлинади, деб айтишди. Биринчи тоифаси — назария яратувчилар, бошқалари бўлса, муаммони ечувчилардир. Иккинчи тоифа эгалари оғир-оғир, асрлар давомида ҳал этилмай келаятган масалаларни “енгиш”га интилиб келган. Бунга эса қобилият билан биргаликда ижодкорлик ҳам сув ва хаводек зарур, назаримда. Қолаверса, бирор муаммони ечишда ижодкорлик етишмаса, математик уни ундамай олма-лиги мумкин.

— **Юқорида Нобель мукофоти тўғрисида айтиб ўтдингиз. Ўзбек математиклари иқтисодиёт соҳасида қачон Нобель мукофотини олади?**

— Ҳа, албатта, бу олимларимиз учун жуда катта марра. Мен ўйлайманки, ҳозирги имкониятлардан фойдаланиб, бу мукофотни олиш имкони юқори. Мен сизга бир мисол келтираман. Нега Ал-Хоразмий ўз даврида фан чўққисига чиқиб, дунё фани етакчиларидан бири бўлган деб ўйлайсиз. Чунки айнан Ислол цивилизациясининг ушбу уйғониш даврида мамлакат раҳбарлари томонидан илм-фан, маърифат, маънавиятга эътибор жуда юқори бўлган, тараққийлар-вар янгиликлар яхши қўтиб олинган, қўллаб-қувватланган, ҳар қандай мураккаб тўсиқларга қарамай тадқиқотларга давлат заҳасидан сармоя ажратилган.

Мана бизда ҳам шу жараён бошланди, яъни илм, фанга эътибор қучаймоқда. Оддий мисол. Бир неча йиллар олдин лабораторияларимизда замонавий асбоб-ускуналардан йўқ эди. Ҳозир эса аксинча. Яқинда институтизмизга ўта мураккаб математик жараёнлар, жумладан, моделлаштириш усуллари олиб бориш имконини берадиган энг илғор ҳамда қудратли компьютер ўрнатилди. Шу руҳда давом этилса, шунга яраша бизнинг физикларимиз, биологларимиз, иқтисодчиларимиз ўз устида тинимсиз ишлашса, уларда кўплаб халқаро олий мукофотлар қатори Нобель мукофотини кўлга қиритишга бўлган мустаҳкам ишонч ҳосил бўлади.

Саиджон МАХСУМОВ («Халқ сўзи») сўхбатлашди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 456. 46 292 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаххас — Ш. Машраббоев.